

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03./30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ШАДЖАЛИЛОВ ШЕРЗОД ИНОГАМОВИЧ

**ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ИШ
ҚОБИЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Шаджалилов Шерзод Иногамович

Юқори малакали футболчиларнинг иш қобилияти самарадорлигини
ошириш.....3

Шаджалилов Шерзод Иногамович

Повышение эффективности работоспособности высококвалифицированных
футболистов 27

Shadjalilov Sherzod Inogamovich

Increase the efficiency of the work ability the highly qualified of players 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03./30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ШАДЖАЛИЛОВ ШЕРЗОД ИНОГАМОВИЧ

**ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ИШ
ҚОБИЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик – 2021

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped.853 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.uzdjtsu.uz ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нуримов Зафар Раҳмонбердиевич
педагогика фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Қошбахтиев Ильдар Аҳмедович
педагогика фанлари доктори, профессор

Акрамов Жасур Анварович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етақчи ташкилот:

Мирзо-Улугбек вилоятидаги **Ўзбекистон**
миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "30" - "ноябрь" соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76. Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети "В" биноси, 2-қavat, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (211581 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76

Диссертация автореферати 2021 йил "16" - "ноябрь" кунга тарқатилган.
(2021 йил "16" - "ноябрь" 38 да рақамли реестр баённомаси)


М.Р.Болтабаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржомолов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д.(PhD), доцент

Ф.А.Керимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ

(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида юқори малакали футболчиларни иш қобилияти самарадорлигини ошириш жараёни бугунги кунда устувор йўналишлардан бирига айланмоқда. Спорт соҳасидаги етакчи олим ва мутахассислар юқори малакали футболчиларни иш қобилияти самарадорлигининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда машғулот ўтказиш лозимлигини таъкидлайди. Юқори малакали футболчиларнинг иш қобилияти даражасини ривожлантириш ва такомиллаштириш, ўйин давомида юқори ишчанликни сақлаб туриш масаласи ривожланган давлатлар футболини асосий кўрсаткичларидан бирига айланиб бормоқда.

Жаҳонда юқори малакали футболчиларни жисмоний, психологик тайёргарлиги ва техник-тактик ҳаракатлар самарадорлигини ошириш ва мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш, юқори малакали футболчиларнинг машғулот жараёнларидаги физиологик кўрсаткичлари борасида қатор илмий-тадқиқот ишлари ўтказилган. Ҳозирги кунда юқори малакали футболчиларни иш қобилияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган воситаларни такомиллаштириш ва меъёрлаш масаласи асосий омиллардан бири бўлиб бормоқда. Бу борада юқори шиддатли машғулотлардан сўнг чарчоқ аломатлари ортишидан келиб чиқиб юқори ишчанликни сақлашга қаратилган тадқиқотларни ўтказишга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда юқори малакали футболчиларни иш қобилияти самарадорлигини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Республикада “истеъдодли ва салоҳиятли футболчиларни танлаш ва тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, миллий терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини шакллантириш”¹ муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қарорда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича футбол спорт турининг календарь режасидан келиб чиқиб машғулот давомида ҳамда ўйинлараро юқори ишчанликни сақлаб туриш учун янги восита ва усулларни жорий қилиш зарурияти юзага келмоқда. Юқори малакали футболчиларни тайёрлаш бўйича мутахассисларнинг фикрича, иш қобилияти самарадорлигини ривожлантириш футболчиларни тайёрлашнинг асосларидан бири ҳисобланади. Маҳаллий олимлар ва мураббийлар ҳамда педагоглар томонидан машғулот жараёнини янада яхшилаш ва юқори малакали футболчилар фаолияти натижавийлигини оширишга қаратилган кўпгина таклифлар билдирилганлигига қарамай, иш қобилияти самарадорлиги даражасини ошириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги “Футболни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3610-сонли Қарори. Халқ сўзи газетаси. 17 март 53-сон.

“Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сон, 2019 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5887-сон, 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сон Фармонлари, 2018 йил 16 мартдаги “Футболни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3610-сон Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юқори малакали футболчиларда жисмоний, техник-тактик тайёргарлиги ва физиологик кўрсаткичларига оид тадқиқотлар ватанимиз олимлари Р.И.Нуримов, Р.А.Акрамов, Ф.А.Керимов Ш.Т.Исеев, А.Т.Толибжанов, И.А.Кошбахтиевлар томонидан олиб борилган. Замонавий футболда иш қобилияти самарадорлигини назорат қилиш, баҳолаш ва ривожлантиришга қаратилган илмий-тадқиқотлар олиб бориш футбол мутахассислари олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади.³

Футбол бўйича хорижий етакчи олимлардан Н.Д.Граевская, З.Г.Орджоникидзе, В.И.Павловлар тадқиқот олиб боришган. Бироқ, иш қобилиятини тиклаш орқали унинг самарадорлигини ошириш назардан четда қолган.⁴

Юқори малакали футболчиларни тайёрлаш жараёнида иш қобилияти самарадорлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўллариини ўрганишни тақозо этувчи муаммоларни аниқлаш ва уни ҳал этишга оид маълумотлардан иш қобилияти самарадорлиги бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг камлиги

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги “Футболни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3610-сонли Қарори. Халқ сўзи газетаси.17 март 53-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5887-сонли Фармони. Халқ сўзи газетаси. 6-декабрь 252-сон.

³Годик М.А., Исеев Ш.Т., Акрамов Р.А., Нуримов Р.И., Сергеев Г., Толибжанов А. Нормирование нагрузок межигровых циклов при проведении занятий в условиях высокой внешней температуры. -Т., 1988. -52с.; Матиев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. -К.: Олимпийская литература, 1999. -316с.; Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. – Т.: ЎзДЖТИ, 2016. – 263с.; Кошбахтиев И.А. Управление подготовкой футболистов высокой квалификации. –Ташкент, 1988. - 98с.;

⁴Граевская Н.Д. Заключение по результатам врачебного обследования физкультурника и спортсмена // Спортивная медицина. – М.: Медицина, 1984.- С.146-151.; Орджоникидзе З.Г., Павлов В.И. Коллапс после физической нагрузки // Медицина и спорт. – М., 2005.– С.23-24.;

ва уларни бизнинг иқлим шароитимизга тўғри келмаслиги маълум бўлди.⁵

Футбол соҳасида олиб борилган сўнгги тадқиқотларда [Р.А.Акрамов, 1994; А.Талибжанов, 1994; Ш.Т.Исеев, 1986; И.А.Кошбахтиев, 2001; З.А.Курбанов, 2000; Р.И. Нуримов, 2001]⁶ иш қобилияти самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш юқори малакали футболчиларни тайёрлашнинг асосий негизи эканлиги илмий исботланган, бироқ футболчиларни иш қобилияти самарадорлигини ошириш ҳолати бўйича асосланган тавсиялар етарлича ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, мутахассисларнинг кўпчилигида юқори малакали футболчиларни иш қобилияти самарадорлигини ошириш ва мусобақа фаолиятини назорат қилиш масалаларига оид фикрлар турли хил кўринишда келтирилган.⁷ Бу эса юқори малакали футболчиларни назорат қилиш машғулот юкламаларини тузиш шакллари тайёрлаш тизими асосида олиб борилаётганлигини белгилайди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда шуни хулоса қилишимиз мумкинки, юқори малакали футболчиларнинг иш қобилияти самарадорлигини ошириш ва уларнинг ўйин жараёнидаги техник-тактик қобилиятлари кўрсаткичлари даражасига ҳамда мусобақа фаолияти самарадорлигига таъсирини аниқлаш масаласи долзарблигича қолмоқда, бу эса ушбу йўналиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг V-1-17 “Малакали футболчиларни тайёрлаш ва уларнинг профессионал маҳоратини оширишда янги самарали услубларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори малакали футболчиларнинг иш қобилиятини машғулот давомида тиклаш ва оширишга мўлжалланган ноанъанавий машқлар мажмуаларидан фойдаланган ҳолда ўйинлараро юқори ишчанлик даражасини сақлаб туриш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

малакали футболчиларнинг юқори ишчанлик қобилиятини сақлаб туриш учун жисмоний ва функционал имкониятлари бўйича биоэнергетик ресурслар

⁵Mc Millan K, Helgerud J, Mac Donald R, et al. Physiological adaptations to soccer specific endurance training in professional youth soccer players // Sports Med.-2005. May.- №39(5). - P.273-277.

⁶Акрамов Р.А., Талибжанов А. – В кн. Юқори малакали футболчиларни тайёрлаш. – Т., 1994. - 64с; Исеев Ш.Т. Особенности динамики нагрузок в межигровых циклах подготовки футболистов в условиях жаркого климата. Автореф.дис...канд. наук. – М., 1986.-19с.; Кошбахтиев И.А. Управление подготовкой футболистов.-Т., 2001.-57с.; Курбанов З.А. – Организация учебно-тренировочного процесса футболистов в условиях Узбекистана. (Учебное пособие). – Т., 2000.-76с.; Нуримов Р.И. Совершенствование учебно-тренировочного процесса футболистов. – Т., 2001-86с;

⁷Никитин Д.В. Оптимизация планирования специализированных упражнений в учебно-тренировочном процессе высококвалифицированных футболистов. Автореф.дис...канд. наук. –Волгоград: ВГАФК, 1999. - 22с.; Нистрантов Е.Д. Оценка тренировочных нагрузок футболистов 16-17 лет по физическим показателям // Ежегодник: Футбол, 1981. – С.60-63; Нуримов Р.И. Совершенствование тактических действий футболистов высокой квалификации. –Т., 2000.-106с.; Платонов В.А. Система подготовки спортсменов в олимпийском спорте: Общая теория и её практические приложения.-К.: Олимпийская литература, 2004.-808с.

захирасидан келиб чиқиб қўлланиладиган воситаларни тузилиши ва мазмунини кенгайтириш;

юқори малакали футболчиларнинг толиқиш аломатларини бартараф этиш мақсадида ноанъанавий воситаларни қўллаш ҳисобига машғулот ва ўйинларда тезкор тиклаш имкониятларини кенгайтириш;

юқори малакали футболчиларнинг иш қобилиятини сақлаб қолиш учун тайёргарлик жараёнида юқори шиддатда бажариладиган машқлар ва ўйин оралиғида тикловчи антистатик воситаларни қўллаш услубиятини ишлаб чиқиш;

юқори малакали футболчиларнинг чемпионат давомидаги шиддатли машғулот ва расмий ўйинларда шиддатли юкламаларнинг қўлланилиши натижасида иш қобилиятини сақлаб қолишга қаратилган машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти “Олмалиқ” ва “Сўғдиёна” жамоаларининг юқори малакали футболчилари билан олиб борилган ўқув-машғулотлар жараёни ҳисобланади.

Тадқиқот предметини юқори малакали футболчиларнинг иш қобилияти самарадорлигини ошириш воситалари ва услубларидан фойдаланиш жараёни ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, педагогик назорат, педагогик тестлаш, анкета сўрови, эксперт баҳолаш усули, инструментал усул, педагогик тажриба, математик-статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юқори малакали футболчиларнинг иш қобилиятини таъминловчи жисмоний ва функционал имкониятлари бўйича биоэнергетик ресурсларнинг захирасидан келиб чиқиб “стречинг-релакцион” воситаларни қўллаш ҳисобига муайян муддат давомида юқори ишчанликни сақлаб туриш имконияти кенгайтирилган;

юқори малакали футболчиларнинг толиқиш омилларини бартараф этиш мақсадида ноанъанавий машғулотларда бажариладиган “қайишқоқлик”, “гипоксик”, “вентиляцияцион” воситалардан иборат микро машғулотларни қўллаш ҳисобига машғулот ва ўйинлараро тезкор тикланиш имкониятлари кенгайтирилган;

юқори малакали футболчиларнинг иш қобилиятини сақлаб қолиш мақсадида тайёргарлик жараёнида юқори шиддатда бажариладиган машқлар ва ўйин оралиғида тикловчи аэроб антистатик воситаларни киритиш ҳисобига ўйин жараёнида ҳаракат фаолиятини бошқариш имконияти кенгайтирилган;

юқори малакали футболчиларнинг чемпионат давомидаги шиддатли машғулот ва расмий ўйинларда мослашув босқичи тугамасдан шиддатли юкламалар қўлланилиши натижасида чарчоқ аломатларини ортишидан келиб чиқиб иш қобилиятини сақлаб қолишга қаратилган машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳисобига техник-тактик ҳаракатларни бажариш самарадорлиги оширилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

юқори малакали футболчиларнинг мусобақа даврларида иш қобилияти самарадорлигини ошириш юзасидан машқлар мажмуаси ишлаб чиқилган;

юқори малакали футболчиларнинг иш қобилияти самарадорлигини ошириш ва уларнинг организм хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўқув-машғулотлар юкламаларининг қўллаш самарадорлиги асослаб берилган;

тадқиқотдан олинган илмий-услубий тавсиялар асосида юқори малакали футболчиларнинг иш қобилияти самарадорлигини ошириш тажрибада асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси соҳасидаги республикамиз ва чет эл олимлари, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган амалиётчи мураббийларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик статистика таҳлил методлари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган педагогик тажрибаларда олинган натижалар асосида юқори малакали футболчиларнинг иш қобилияти самарадорлигини ошириш орқали техник-тактик ҳаракатлари сони ва самарадорлигини оширишга оид танланган воситалар ва уларни қўллаш услубларининг илмий асосланганлиги ушбу соҳадаги маълумотларни, назарий билимларни бойитиш ва кенгайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар амалиётчи мураббийларга юқори малакали футболчилар машғулотларини ташкил этишда юкламаларни меъёрлаш, иш қобилияти самарадорлигини оширишни назорат қилиш учун ишончли тестлардан фойдаланиш, тайёргарликнинг турли даврлари ва босқичларидаги микроциклларни тузишда машғулот вариантларини қўллаш, техник-тактик тайёргарлик самарадорлигини ошириш жараёнини оптималлаштиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори малакали футболчиларнинг иш қобилияти самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар асосида:

Юқори малакали футболчиларнинг иш қобилиятини таъминловчи “стречинг-релакцион” воситаларни қўллаш бўйича амалий тавсиялар “Футбол назарияси ва услубияти” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-рақамли буйруғи асосида 110-179 рақамли гувоҳнома). Натижада юқори малакали футболчиларнинг йиллик тайёргарлик босқичи ва

мусобақа даврларидаги иш қобилияти 15% га яхшиланган;

юқори малакали футболчиларнинг толиқиш аломатларини бартараф этиш мақсадида ноанъанавий машғулотларни қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар “Футбол назарияси ва услубияти” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-рақамли буйруғи асосида 110-179 рақамли гувоҳнома). Натижада юқори малакали футболчиларнинг тайёргарлик циклларида иш қобилиятининг самарадорлиги яхшиланган;

юқори малакали футболчиларнинг иш қобилиятини сақлаб қолиш учун қўлланилган антистатик воситалар “Олмалиқ” футбол клуби машғулотларига жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 8 июлдаги 03-07-08-2456-сонли маълумотномаси). Натижада юқори малакали футболчиларнинг мусобақа даврида иш қобилиятини самарадорлиги ҳамда кейинги ўйингача бўлган даврда функционал имкониятларини тиклаш 12-14 % яхшиланган;

юқори малакали футболчиларнинг чемпионат давомидаги шиддатли машғулот ва расмий ўйинларда иш қобилиятини сақлаб қолишга қаратилган машқлар мажмуаси бўйича таклиф ва тавсиялар Олмалиқ шаҳридаги “Олмалиқ” футбол жамоаси машғулотларига жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 8 июлдаги 03-07-08-2456-сонли маълумотномаси). Натижада Олмалиқ жамоаси 2018 йил Ўзбекистон кубоги мусобақасида совринли биринчи ўринни эгаллаб, Осиё чемпионлар лигасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 2 та ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 та республика ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 145 бетни ташкил этиб 24 та жадвал, 2 та расм, 20 та иловалар ва 3 та жорий этиш далолатномаларни ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асослаб берилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва

вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Иш қобилияти ва уни назарий таҳлил қилишнинг илмий асослари”** деб номланган биринчи бобида “Иш қобилияти” кўп қиррали ва кенг қамровли интеграл тушунча бўлиб, унинг моҳияти жисмоний, функционал, техник-тактик муаммолари ёритиб берилган.

Юқори малакали футболчиларга хос иш қобилиятини акс эттирувчи реал кўрсаткичлар даражаси ва уларни тайёргарлик давомида ўзгариш динамикасини аниқлаш, шу қобилиятни шакллантириш, тиклаш ва кучайтиришга қаратилган технологик воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда синовдан ўтказиш учун авваломбор иш қобилиятини ривожлантириш тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон чемпионатида иштирок этувчи футболчиларда ўтказилган тадқиқот натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, йиллик тайёргарлик циклининг турли босқичларида жисмоний ва функционал имкониятларни акс эттирувчи кўрсаткичлар “тўлқинсимон” йўналишга хос динамика билан ифодаланган (1-жадвал).

1-жадвал

Юқори малакали футболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини акс эттирувчи кўрсаткичлар динамикаси ($\bar{x} \pm \sigma$)

Назорат тестлари	Мавсум бошида	Чемпионат олдида	Мавсум якунида
10 м га югуриш (сония)	1,92±0,05	1,86±0,05	1,97±0,08
50 м га югуриш (сония)	7,07±0,31	6,02±0,33	7,78±0,96
Жойдан туриб вертикал сакраш (см)	41,6±4,22	44,2±3,84	42,8±3,24
7х50м га моккисимон югуриш (сония)	65,4±2,60	62,8±3,26	66,4±3,18

Жумладан, 10 м га югуриш тезлиги мавсум бошида 1,92±0,05 сония. Чемпионат олдида 1,86±0,05 сония, мавсум якунида 1,97±0,08 сонияни ташкил этди. 50 м га югуриш мувофиқ равишда: 7,07±0,31 с; 6,02±0,33 с; 7,78±0,96 с. Жойдан туриб вертикал сакраш: 41,6±4,22 с; 44,2±3,84 с; 42,8±3,24 с; 7х50 м га югуриш: 65,4±2,60 с; 62,8±3,26 с; 66,4±3,18 с. Кўриниб турибдики, қайд этилган натижалар тайёргарлик циклининг барча босқичларида нисбатан суст даражада ифодаланган бўлиб, улар жаҳон лигасида иштирок этувчи футболчилар кўрсаткичларидан анча кам миқдорда намойиш этилганлиги маълум бўлди. Масалан, 10 м га югуриш Германия футболчиларида 1,79±0,09 сония (E.Koliath, K.Quade, 1993 й.), Франция –1,80±0,06 сония (G.Cometti et al, 2001). Сакровчанлик эса Ўзбекистон футболчиларида 41,6-44,2 см ни ташкил

этган бўлса, Норвегия футболчиларида 60,2 см, швецияликларда 59,0 см га тенг экан (К. Memilian et.,2005; J.Bangsbo, 1994 й.).

Функционал имкониятларни ифодаловчи айрим кўрсаткичлар (PWC_{170} , ГСТ индекси) ҳам мавсум якунига келиб кескин камайганлиги кузатилди (мувофиқ равишда 1386,6 кГм/дақ. дан 1176,2 кГм/дақ. гача; 116,6 дан 102,5 гача). Ваҳоланки, юқори малакали футболчиларда PWC_{170} 1618 кГм/дақ. дан ортик миқдорни ташкил этиши лозим экан (В.Л. Карпман ва б., 1988 й.), ГСТИ индекси эса 150-170 атрофида бўлиши қайд этилган (С.М.Смирнов, В.И.Дубровский, 2002 й.).

Махсус иш қобилиятини акс эттирувчи техник-тактик усуллар (турли йўналишларда тўп ошириш, тўпни олиб қўйиш, олиб юриш, алдаб ўтиш, оёқ ва бош билан зарба бериш) ва юриш-югуришлар ҳажми мавсум охиридаги расмий ўйинларда мавсум бошида қайд этилган мувофиқ кўрсаткичларга нисбатан анча ортганлиги кузатилди. Кўриниб турибдики, мавсум якунига келиб жисмоний ва функционал имкониятлар сусайган, лекин техник-тактик фаоллик кучайганлиги кўзга ташланмоқда (2-жадвал).

Қарама-қарши йўналишларда намойиш этилган мазкур кўрсаткичлар динамикаси (мавсум якунида жисмоний ва функционал имкониятларнинг сусайиши, техник-тактик фаолликни эса ортиши) мавсум якунига келиб футболчилар ўз техник-тактик имкониятларини “ирода” эвазига оширган деб, фараз қилишга асос бўлади.

2-жадвал

Юқори малакали футболчиларда ТТХларнинг расмий мусобақалар давомида ўзгариш динамикаси ($\bar{X} \pm \sigma$) (n=20)

№	ТТХ ҳажми ва уларнинг самара- дорлиги	Чемпионат бошида				Чемпионат ўртасида				Чемпионат охирида			
		«Олмалик» Олмалик шаҳри		«Сўғдиона» Жиззах шаҳри		«Олмалик» Олмалик шаҳри		«Сўғдиона» Джиззах.ш		«Олмалик» Олмалик шаҳри		«Сўғдиона» Жиззах шаҳри	
		$\bar{X} \pm \sigma$		$\bar{X} \pm \sigma$		$\bar{X} \pm \sigma$		$\bar{X} \pm \sigma$		$\bar{X} \pm \sigma$		$\bar{X} \pm \sigma$	
1.	Муваф- фақиятли (\sum_{n+})	437,58	3,54	497,31	3,98	526,57	3,96	521,51	3,18	618,31	3,99	557,92	3,17
2.	Муваф- фақият- сиз (\sum_{n-})	290,4	2,93	276,76	2,35	245,63	2,32	263,12	1,79	215,82	2,00	269,94	2,02
3.	Ҳажми (\sum_n)	727,98	6,47	774,07	6,33	772,2	6,28	784,63	4,97	834,13	5,99	827,86	5,19
4.	Коеф. %	60,10	54,71	64,24	62,87	68,19	63,05	66,40	63,98	74,12	66,61	67,39	61,07

Изоҳ: \sum_n - ТТХ нинг умумий сони;

\sum_{n+} - фойдали ТТХ сони;

\sum_{n-} - фойдасиз ТТХ сони;

Бундай “фаоллик”, фикримизча, жисмоний ва функционал “зўриқиш” чегарасида намоиш этилганлигидан далолат бериши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Диссертациянинг “Тадқиқотнинг методлари ва ташкил қилиниши” деб номланган иккинчи бобида илмий-услугий адабиётларнинг таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, математик статистика услуги, тадқиқотнинг ташкил қилинишидауларни қўллаш услубияти ва шартлари батафсил ёритилган. Диссертация ишини бажариш ва ташкил қилиш учун фойдаланилган илмий тадқиқотлар методлари келтирилган. Малакали футболчиларнинг мусобақа ва машғулот фаолиятини таҳлил қилишнинг оригинал методикаси тақдим этилган. Сўровнома дастурларига киритилган саволлар, педагогик кузатув, фоизли субъектив жавоблар, тадқиқотларда иштирок этган малакали футболчилар тавсифи келтирилган.

Юқори малакали футболчиларнинг умумий жисмоний, махсус жисмоний, техник-тактик тайёргарликларини баҳолаш учун тестлар келтирилган. Тадқиқот иши 2015-2018 йилгача бўлган даврда ўтказилган ва бир нечта кетма-кет босқичлардан ташкил топган.

I босқич (2015-2016) – мазкур мавзу бўйича аввал эълон қилинган ишларни батафсил таҳлил қилиб чиқиш; ҳал этилмаган муаммоларни аниқлаш, ушбу тадқиқот мавзусини танлаш; тадқиқот мақсади ва вазифаларини қўйиш; ушбу муаммони ҳал этиш бўйича реал амалиётни ўрганиш; жисмоний тарбия назарияси ва методикасида мавжуд бўлган ҳамда мазкур муаммони ҳал этишга ёрдам берувчи чора-тадбирларни ўрганиш; тадқиқот фаззини шакллантириш.

II босқич (2016-2017) бир қатор вазифалардан иборат: тажриба объектларини (малакали футболчиларни) зарур миқдорда танлаб олиш; тажриба ўтказишнинг зарур давомийлигини аниқлаш, тажриба объектнинг дастлабки ҳолатини ўрганиш учун аниқ методикаларни танлаш; методикалар қулайлиги ва самардорлигини кам миқдордаги текширилувчиларда синаб кўриш; тегишли педагогик таъсирлар оқибатида тажриба объектидаги ўзгаришлар тўғрисида фикр юритиш мумкин бўлган белгиларни аниқлаш.

III босқич (2017-2018) – асосий, у ишлаб чиқилган методика самардорлигини текшириш бўйича тажриба ўтказишга мўлжалланган. Бу босқич қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади: тажриба ўтказиладиган тизим доирасининг дастлабки ҳолатини ўрганиш (футболчиларнинг жисмоний ва техник-тактик тайёргарлиги даражасини аниқлаш); тажриба ўтказиладиган шарт-шароитларнинг дастлабки ҳолатини ўрганиш; тақлиф этилган чора-тадбирлар самардорлиги мезонларини шакллантириш, тажриба қатнашчиларига уни самарали ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисида йўл-йўриқлар бериш; тажрибавий тадбирлар тизими таъсирида объектларнинг ўзгаришини ифодаловчи оралиқ кесимлар асосида тажрибанинг бориши тўғрисидаги маълумотларни қайд этиш, тажрибани ўтказиш давомида қийинчиликлар ва мумкин бўлган типик камчиликларни кўрсатиш; вақт,

воситалар ва саъй-ҳаракатларнинг жорий сарфини баҳолаш.

IV босқич (2017-2018) – якунловчи тажрибага якун ясашга мўлжалланган: тажриба тадбирлари тизимини амалга ошириш натижаларини ёритиш; тажрибада керакли натижаларни берган шароитларни тавсифлаш; тажрибавий таъсир субъектларининг (мураббийлар, спортчилар) хусусиятларини таърифлаш; вақт, саъй-ҳаракатлар ва воситаларнинг сарфи тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш; тажриба давомида текширилган тадбирлар тизимининг қўлланилиш чегараларини кўрсатиш.

Диссертациянинг **“Юқори малакали футболчиларда иш қобилиятини ривожлантириш тажрибасини ўрганиш ва уни йиллик тайёргарлик жараёнида шакллантириш динамикаси”** деб номланган учинчи бобда юқори малакали футболчиларда иш қобилиятини ривожлантириш тажрибасини ўрганиш учун муҳим саволлар дастури ишлаб чиқилди. Сўровномага Ўзбекистон миллий чемпионатида иштирок этувчи 60 нафар футболчилар респондент сифатида жалб қилинди.

Олинган натижалар шунга эътибор қаратадики, респондентларнинг асосий қисми (56,7-70%) йиллик юкламалар ҳажми ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслиги, машғулотлар ва расмий мусобақалардан сўнг узоқ вақтгача чарчокни хис қилишлари (71,7%) аён бўлди.

Маълумки, кун давомида ўзлаштирилган машғулот ёки мусобақа юкламаларидан сўнг футболчилар организмида толиқиш аломатлари жамланади. Айрим мутахассис-олимларнинг таъкидлашича, организмда йиғилган “шлакларни чиқариб ташлаш”, модда алмашинуви суръатини жадаллаштириш, толиқиш ёки зўриқиш асоратларини бартараф этиш ва шу орқали иш қобилиятини тиклаш ҳамда кучайтириш учун қайишқоқлик (букилувчанлик) ва релаксацион машқлардан иборат эрталабки жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш фойдали натижа берар экан. Аммо респондентларнинг 50%и бундай машқлар билан шуғулланмасликларини маълум қилишди. Шуғулланадиган 50% респондентлар эса эрталабки “зарядка” машғулотларида катта шиддатда бажариладиган тезкорлик-куч ва югуриш машқларига урғу беришар экан. Юқорида қайд этилган мутахассисларнинг фикрига кўра, эрталаб “организмни уйғониш” арафасида бундай машқлардан фойдаланиш, нафақат толиқиш аломатларини бартараф этмайди, балки жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, респондентларнинг 72%и (15 та савол натижалари) бундай масалалар бўйича назарий билимлар берилмаслигини билдиришди.

Сўровнома натижаларига асосланган мазкур вазият машғулотлар қанчалик самарали ташкил қилинмасин футболчилар иш қобилиятини кучайтиришга имкон яратмаслиги исбот талаб қилмайди.

Замонавий футболда мусобақа олди тайёргарлик босқичи ва расмий мусобақалар циклининг бошқа спорт турларига нисбатан узоқ муддат (январь-ноябрь) давом этиши унинг устувор хусусиятларидан биридир. Ушбу муддат ичида футболчилар синов ва саралаш ўйинлари, турли турнирлар, кубок мусобақалари ва турлараро машғулотларда иштирок этади. Бундай шароитда

юксак ҳаракат фаоллигини таъминлаш йиллик ўқув-машғулот ва мусобақа циклларида юзага келадиган толиқиш аломатларини бартараф этиш, жисмоний ва функционал имкониятларни мунтазам тиклаб бориш эвазига иш қобилиятини кучайтириш жараёнига илмий асосий ёндашиш зарурлигига эътибор қаратади. Маълумки, 6-7 соат ҳажмидаги кундалик машғулотлар, 90 дақиқа давом этадиган расмий ўйинлар юкламалари даставвал ижрочи органлар (оёқ мушаклари) ва уларни биоэнергетик ресурслар билан таъминловчи функционал тизимлар “зиммасига” тушади. М.А.Годик (2005) нинг маълумотларига кўра, футболчи ҳар бир расмий ўйинда 9000-11000 метрни турли тезликда босиб ўтар экан. Р.И.Нуримов, Л.И.Мырзабек (2003) лар эса, бундай ўйинлардан сўнг футболчи организмнинг тўлиқ тикланиши 42-72 соатгача давом этишини таъкидлаб ўтишган. Демак, йиллик тайёргарлик цикли бўйлаб футболчилар иш қобилиятини нафақат бир текисда сақлаб қолиш, балки уни кучайтириш имкониятлари машғулотлар давомида ва якунида ҳамда ҳар бир расмий ўйинлардан сўнг жисмоний ва функционал имкониятларни самарали тикловчи педагогик воситалар билан белгиланади. Фараз қилинадики, бундай самарали воситалар антистатик ҳолатларда ижро этиладиган “стречинг-релаксацион” мазмунли ноанъанавий машқлар мажмуасидан иборат бўлиши мумкин.

Ушбу машқлар самадорлигини аниқлаш мақсадида 10 ойлик педагогик тажриба ўтказилди. Тажрибага назорат гуруҳи сифатида анъанавий дастур асосида шуғулланадиган “Сўғдиёна” (Жиззах шаҳри) жамоаси футболчилари жалб қилинди.

Олмалиқ шаҳрининг “Олмалиқ” жамоаси футболчилари эса тажриба гуруҳи сифатида иштирок этди.

Тадқиқотлар 10 м, 50 м ва 7х50 м га югуриш, жойидан туриб вертикал сакраш PWC₁₇₀ ва Гарвард степ-тестлари ёрдамида тажрибадан аввал (мавсум бошида), 3 ойдан сўнг (чемпионат олдидан) ва тажрибадан кейин (мавсум охирида) ўтказилди.

Олинган натижалар таҳлилидан аниқландики, тажрибадан аввал иш қобилиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлар икки гуруҳда ҳам бир-биридан деярли фарқ қилмади. Лекин эътиборли жойи шундаки, ушбу кўрсаткичлар даражаси чет эл профессионал клубларида иштирок этувчи футболчиларникига нисбатан анча “заиф” эканлиги маълум бўлди (3-жадвал).

3-жадвал

Анъанавий ва экспериментал йиллик тайёргарлик жараёнида юқори малакали футболчилар жисмоний тайёргарлигини шаклланиш самарадорлиги (n=20)

Назорат тестлари	Мавсум бошида	Чемпионат олдида	t ₁	p	Мавсум якунида	t ₂	p
10 м га югуриш (сония)	1,93±0,07	1,88±0,05	2,65	≤0,05	1,96±0,08	1,55	≥0,05
	1,94±0,06	1,81±0,04	3,18	≤0,01	1,83±0,04	4,01	≤0,001
50 м га югуриш (сония)	7,23±0,62	7,18±0,54	2,62	≤0,05	7,29±0,62	1,82	≥0,05
	7,26±0,71	6,17±0,38	4,01	≤0,001	6,64±0,56	3,33	≤0,01
Жойидан туриб вертикал сакраш (см)	43,4±3,68	44,2±4,04	1,84	≥0,05	42,8±3,24	0,97	≥0,05
	42,8±2,76	47,6±3,60	3,62	≤0,01	44,4±2,84	3,73	≤0,01
7x50 м га моккисимон югуриш (сония)	66,4±5,02	63,6±3,32	1,95	≥0,05	65,7±4,68	1,42	≥0,05
	67,2±4,13	62,2±3,04	2,73	≤0,05	63,8±3,18	5,32	≤0,001

Изоҳ: юқоридаги катакда-назорат гуруҳи кўрсаткичлари;

пастдаги катакда-тажриба гуруҳи кўрсаткичлари;

t₁ - мавсум боши ва чемпионат олдида қайд этилган натижалар;

t₂ - мавсум боши ва мавсум якунида қайд этилган натижалар;

Масалан, старт тезлигини акс этирувчи 10 м га югуриш англиялик футболчиларда 1,83±0,08 сонияга тенг бўлса (Т.Litt, A.G.Williams, 2005), германиялик футболчиларда 1,79±0,09 сонияни ташкил этган (Е.Koliath, К.Quade, 1993). Тадқиқотимизда иштирок этган ўзбекистонлик футболчиларда эса 1,93±0,07 сония (назорат гуруҳи) ва 1,94±0,06 сония (тажриба гуруҳи) миқдорида қайд этилди. Маълумки, футболга хос муайян вазиятларда старт тезлиги (тўп билан ёки тўпсиз югуришдан қатъий назар) ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади (З.Г.Орджоникидзе, В.И.Павлов, 2008; А.В.Антипов ва б., 2008).

Тўғри, футболчи 90 дақиқа давомида катта тезлик билан ҳаракат қила олмайди, лекин ҳар бир ўйинчида тезкор ҳаракат чидамкорлиги шаклланган бўлиши лозим. Шундай бўлса-да, ўйинчиларда максимал тезликда югуриш имконияти иккинчи таймда сустраниши тадқиқотлар асосида исбот қилинган (М.Mohr, Р.Р.Krustru, L.Nyboetab, 2004). М.А.Годик (2005) фикрига кўра эса, футболчиларда старт тезлиги биринчи ва иккинчи таймларнинг охирида

сустлашиб кетар экан. Мазкур муаллифнинг таъкидлашича, бундай вазият футболчилар оёқ мушакларида толиқиш белгиларининг кучайиши ва энергия алмашинуви жараёнининг сустлашиши билан боғлиқдир. 50 м га югуриш тезлиги назорат гуруҳида $7,26 \pm 0,71$ сонияни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар даражаси, А.В.Антипов ва бошқаларнинг (2008) фикрига биноан, 14-15 ёшли футболчиларга хос экан. Унинг эътирофи этишича, юқори малакали футболчиларда 50 м га югуриш тезлиги $6,34 \pm 0,23$ сонияга тенг бўлиши лозим экан. Футболда аксарият ҳолларда юксак сакровчанлик қобилиятига эга ўйинчи ё рақиб дарвозаси олдида “хавфли” вазият туғдиради, ё ўз дарвозасини “гол” дан сақлаб қолади.

Афсуски, сакровчанлик сифати тадқиқотимизда иштирок этган назорат гуруҳида ҳам ($43,4 \pm 3,68$ см), тажриба гуруҳида ҳам ($42,8 \pm 2,27$ см) Россия ($47,0 \pm 5,0$ см – А.В.Антипов ва б., 2008), Шотландия ($53,4$ см – К. Mcmilin, 3. Helgenid, R. Mac Donald et al., 2005) ва Швеция ($59,0$ см – В. Ekblom, 1986) жамоаларида иштирок этувчи футболчиларникига қараганда анча кам миқдор билан ифодаланди.

Диссертациянинг **“Юқори малакали футболчилар иш қобилияти самарадорлигини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган методикани тажрибада асослаш”** деб номланган тўртинчи бобда педагогик тажриба ва назорат гуруҳи футболчиларини функционал, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларининг қиёсий статистик таҳлили, футболчиларни мусобақа фаолияти давомида техник-тактик тайёргарлик кўрсаткичлари самарадорлигини тажрибада асослаш, параграфлардан ташкил топган бўлиб, педагогик тажрибадан кейин тажриба ҳамда назорат гуруҳлари техник-тактик ва ҳаракатланиш фаолияти кўрсаткичларининг таҳлиллари ва натижалари батафсилроқ баён қилинган.

Бугунги футболнинг яна бир муҳим хусусиятларидан бири шуки, “майдон” ўйинчиси ўзининг ўйин ихтисослиги (амплуа) дан қатъий назар, ҳужумда ҳам, ҳимояда ҳам, қайта ҳужумда ҳам юксак тезкорлик қобилиятига эга бўлиши даркор. Айнан шу қобилиятни акс эттирувчи 7×50 м га маккисимон югуриш тести бўйича олинган натижалар назорат гуруҳига мансуб футболчиларда $66,4 \pm 5,02$ сония, тажриба гуруҳида $67,2 \pm 4,13$ сонияга тенглиги аниқланди. Таъкидлаш жоизки, бу кўрсаткич россиялик футболчиларда $58,8$ сонияни ташкил этади. Бинобарин, Ўзбекистон миллий чемпионатида иштирок этувчи икки гуруҳ футболчиларида тезкорлик, тезкорлик-куч ва тезкорликка хос чидамкорлик бўйича қайд этилган дастлабки кўрсаткичлар йиллик мусобақа циклларида юксак иш қобилиятини таъминловчи жисмоний ва функционал имкониятларни заиф шаклланганлигидан далолат беради.

Чемпионат олдида олинган кўрсаткичлар биров ижобий томонга ўзгарган бўлса-да, чемпионат якунида кузатилган барча натижалар дастлабки кўрсаткичлардан “заифлашиб” қолганлигини аниқлади.

Маълумки, юксак иш қобилиятини таъминловчи жисмоний ва функционал имкониятлар тўғридан-тўғри биоэнергетик ресурсларнинг захираси билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, функционал кўрсаткичлар иш

қобилиятини таъминловчи “ички имкониятларни” ифода этса, жисмоний ва техник-тактик кўрсаткичлар унинг “ташқи фаолиятини” акс эттиради (J.A.Casajus, 2001; З.Б.Белацерковский, 2005; З.Г.Оржаникидзе, В.И.Павлов, 2008; А.А.Шамардин, 2009;).

Педагогик тажрибада иштирок этган футболчиларда функционал тайёргарлик даражаси ва уни ўзгариш динамикаси ЮҚЧ, НОЧ, PWC170 ва ГСТ ига хос кўрсаткичларни ўрганиш асосида аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Анъанавий ва экспериментал йиллик тайёргарлик жараёнида юқори малакали футболчилар функционал тайёргарлигининг шаклланиш динамикаси (n=20)

Назорат тестлари	Мавсум бошида	Чемпионат олдиан	t ₁	p	Мавсум якунида	t ₂	p
ЮҚЧ марта/дак	72,6±3,44	70,4±3,12	3,12	≤0,01	73,6±4,14	1,37	≥0,05
	70,8±3,24	66,8±2,46	5,98	≤0,001	66,2±3,22	4,94	≤0,001
НОЧ марта/дак	16,4±1,4	17,6±2,0	4,31	≤0,001	16,8±3,34	2,43	≤0,05
	16,0±1,2	15,8±1,8	3,86	≤0,001	16,6±3,04	3,75	≤0,01
PWC170 кГм/дак.	1348,6±146,6	1224,8±136,2	1,86	≥0,01	1330,4±130,6	1,36	≥0,05
	362,2±132,4	1488,6±128,6	6,12	≤0,001	1472,4±124,6	5,38	≤0,001
ГСТ индекси	112,8±6,9	111,2±5,4	1,44	≥0,05	114,3±4,8	1,32	≥0,05
	113,8±4,6	114,8±3,7	4,87	≤0,001	118,0±3,2	3,69	≤0,01

Изох: юқоридаги катакда -назорат гуруҳи кўрсаткичлари;

пастдаги катакда -тажриба гуруҳи кўрсаткичлари;

t₁ - мавсум боши ва чемпионат олдиан қайд этилган натижалар;

t₂ - мавсум боши ва мавсум якунида қайд этилган натижалар;

Олинган дастлабки натижалар бир-бирдан деярли фарқ қилмади. ЮҚЧ бўйича олинган кўрсаткичлар эса мавсум бошида ҳам, чемпионат олдиан ва мавсум якунида ҳам кескин ўзгариш динамикаси билан ифодаланди. Лекин, НОЧ назорат гуруҳида мавсум давомида ортиб борганлиги қайд этилган бўлса, тажриба гуруҳида ушбу кўрсаткич борган сари камайиб борганлиги билан изоҳланди.

Жисмоний иш қобилиятини акс эттирувчи дастлабки кўрсаткичлар (мавсум бошидаги) икки гуруҳда ҳам тахминан бир хил миқдорда намоиш этилди. Чунончи, PWC₁₇₀ тести бўйича қайд этилган кўрсаткичлар назорат гуруҳида 1348.6±146.6 кГм/дак., тажриба гуруҳида эса ушбу кўрсаткич 1362,2±132,4 кГм/дак. ни ташкил этди. ГСТ индекси мувофиқ равишда 112,8±6,9 ва 113,8±4,6 шартли миқдорга тенг бўлди.

Мазкур кўрсаткичлар бошқа спорт турлари вакилларида олинган кўрсаткичлар билан таққосланганда маълум бўлдики, PWC_{170} баскетболчиларда – 1705 ± 280 , волейболчиларда – 1865 ± 302 , узоқ масофага югурувчиларда 1605 ± 239 кГм/дақ., малакали футболчиларда эса 1618 ± 296 кГм/дақ. га тенг экан (В.Л.Карман ва б., 1988).

Текширилувчиларимизда кузатилган ГСТ индекси ҳам, эшкак эшиш, сузиш ва марофон югуриш билан шуғуллунувчиларникига нисбатан (170 гача) анча паст миқдорни ташкил этди. 3 ойдан сўнг, яъни чемпионат бошланишидан аввал ва мавсум якунида олинган кўрсаткичлар назорат гуруҳида жисмоний иш қобилиятини борган сари сусайиб борганлигидан далолат берган бўлса, тажриба гуруҳида PWC_{170} ҳам, ГСТИ ҳам тўлқинсимон йўналишда ортиб борганлигига эътибор қаратади. Боз устига, агар мавсум бошида ва якунида олинган барча кўрсаткичлар фарқи назорат гуруҳида салбий миқдор билан намойиш этилган бўлса, тажриба гуруҳида ушбу фарқ юксак ижобий миқдорлар билан намойиш этилди. Бинобарин, тажриба гуруҳида кузатилган кўрсаткичларнинг прогрессив йўналишда ўзгариб (ўсиб) борганлиги, мазкур футболчиларда тезкорлик, тезкорлик-куч, сакровчанлик, тезкорликка хос чидамкорлик ва жисмоний иш қобилиятини мавсум якунига келиб кучайганлигидан далолат беради. Демак, ишонч билан таъкидлаш мумкинки, тажриба гуруҳида ўтказилган машғулотлар давомида, машғулот ва расмий мусобақалардан сўнг мунтазам қўлланилиб келинган антистатик ҳолатларда ижро этиладиган стретчинг-релакцион машқлар мажмуалари нафақат оёқ мушакларида юзага келган толиқиш аломатларини бартараф этиб борган, балки шу футболчилар жисмоний ва функционал фаоллигини жадаллаштириб, иш қобилиятини кучайишига асос бўлган.

Жисмоний ва функционал фаолликни тикланиб боришига имкон яратувчи ва иш қобилиятини кучайтириш хусусиятига эга мазкур экспериментал мазмунли машқлар самарадорлиги ТТХ лар ҳажми ва муддати бўйича олинган кўрсаткичлар билан ҳам тасдиқланмоқда (5-жадвал).

5-жадвал

Ўзбекистон чемпионати ўйинларида “Сўғдиёна” ва “Олмалиқ”
жамоаларида ижро этилган техник-тактик ҳаракатларнинг
(ТТХ) ўртача кўрсаткичлари ($\bar{x} \pm \sigma$) (n=20)

ТТХ ҳажми ва уларнинг самарадорлиги	Мавсум бошида ($\bar{x} \pm \sigma$)	Чемпионат Олдидан ($\bar{x} \pm \sigma$)	t ₁	p	Мавсум якунида ($\bar{x} \pm \sigma$)	t ₂	p
Σ _n	792,99±11,83	784,52±8,85	1,07	≥0,05	827,53±8,58	1,58	≥0,05
	723,58±15,78	771,98±10,12	3,68	≤0,01	834,02±10,25	2,26	≤0,05
Σ _{n+}	497,2±7,24	521,4±7,02	2,03	≥0,05	557,81±4,89	1,99	≥0,05
	433,29±4,46	526,46±5,74	4,27	≤0,001	618,31±6,79	4,70	≤0,001
Σ _{n-}	295,68±5,34	263,12±2,58	2,37	≤0,05	269,83±4,37	1,31	≥0,05
	290,29±5,93	245,52±5,15	2,94	≤0,05	215,71±5,25	3,78	≤0,01
СК (%)	63±0,03	66±0,03	1,76	≥0,05	64±0,03	1,58	≥0,05
	60±0,03	68±0,04	5,33	≤0,001	74±0,05	2,93	≤0,01

Изоҳ: юқори катакда -назорат гуруҳи кўрсаткичлари;

пастги катакда -тажриба гуруҳи кўрсаткичлари;

Σ_n - ТТХ нинг умумий сони;

Σ_{n+} - фойдали ТТХ сони;

Σ_{n-} - фойдасиз ТТХ сони;

СК(%) - ТТХ лар самарадорлиги;

t₁ - мавсум боши ва чемпионат олдидан қайд этилган натижалар;

t₂ - мавсум боши ва мавсум якунида қайд этилган натижалар;

Жумладан, аниқландики, тажриба гуруҳида (“Олмалиқ”, Олмалиқ шаҳри) ҳар бир расмий ўйин давомида қайд этилган дастлабки (чемпионат бошланмасдан) ТТХ лар ҳажми ва самарадорлиги назорат гуруҳи (“Сўғдиёна”, Жиззах шаҳри) га мансуб футболчиларникидан анча кам миқдор билан ифодаланди (5-жадвал). Чемпионат ўртасида (биринчи ва иккинчи давра оралиғида) ТТХ лар ҳажми назорат гуруҳида камайди. Тажриба гуруҳида эса 4,40 мартага ортганлиги кузатилди, самарадорлиги эса, мувофиқ равишда 66±0,03 ва 68±0,04%ни ташкил этди. Муваффақиятли ТТХ лар 47,40±7,02 ва 47,86±5,74, муваффақиятсиз ТТХлар 23,92±2,58 ва 22,32±5,15 мартага тенг бўлди.

Чемпионат якунида ТТХларнинг умумий ҳажми назорат (75,23±8,58) ва тажриба (75,82±10,25) гуруҳларида деярли фарқ қилмади. Лекин муваффақиятли (фойдали) ТТХлар ҳажми тажриба гуруҳида назорат

гуруҳидаги футболчиларникига нисбатан 5,50 мартагача ортди, ТТХ лар самарадорлиги эса тажриба гуруҳида 6% га кўтарилди.

Майдон бўйлаб ҳаракатланиш фаоллигининг ўртача ҳажми “Сўғдиёна” жамоаси (назорат гуруҳи) да чемпионат бошида ўтказилган расмий ўйин бўйича биринчи таймда 2998,0±246,75 м, иккинчи таймда 2425,5±384,74 м ни ташкил этди. “Олмалиқ” жамоасида эса, мувофиқ равишда 2038,5±251,62 ва 1745,5±160,71м га тенг бўлди (6-жадвал).

6-жадвал


Чемпионат ўйинларида “Сўғдиёна” ва “Олмалиқ” жамоалари бўйича ҳаракатланишлар ҳажмининг ўртача кўрсаткичлари (X+σ)

“Сўғдиёна”		“Олмалиқ”	
1-тайм	2-тайм	1-тайм	2-тайм
